







# ДУНЮ ДАВЛАТЛАРИ

## Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ НУТҚИ ТЎҒРИСИДА ЧЕТ ЭЛЛААРДА БАЁН ҚИЛИНГАН ФИКРЛАР

ЧЕТ эллардаги барча инфомация агентликлари, радио ва телевидение Л. И. Брежнев нутқининг батафсил баёнини маълум қилдилар ва жуда кўп шарҳларини ана шу нутқда бағишладилар ҳамда уни жуда муҳим сиёсий нутқ деб таъкидладилар.

### АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. ЮПИ агентлиги КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўз нутқида «сўз» делегатлари олдида совет ташқи сиёсатини чуқур таҳлил қилиб берди» деб уқтириб ўтди. Агентлик Л. И. Брежневнинг Совет—Америка муносабатлари ва президент Р. Никсоннинг ақида Совет Иттифоқида қиладиган визити тўғрисида айтган гапларига алоҳида эътибор берди.

Леонид Ильич Брежнев, деб қайд қилди агентлик, Р. Никсоннинг Москвага визити муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин, деди. Аммо у учинчи мамлакатлар ёки учинчи халқлар маффаатлари ҳисобига масалаларни ҳал этиш имкониятини рад этди.

Американинг бошқа инфомация агентлиги АП агентлиги Москвадан олдинги хабарда Л. И. Брежневнинг СССР «Совет—Америка муносабатларидаги илчиллик, реалистик позицияларда туриб» ёндашди, деган гапларига алоҳида эътибор беради.

### ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг совет насаба союзлари сўзидида сўзлаган нутқи Францияда катта қизиқиш тугдириди. Франс Пресс агентлиги бу нутқнинг кўп қисмини редакцияларда тарқатди. Радио ва телевидение эрталабки «Сўнги ахборот» даёқ Л. И. Брежневнинг нутқидан француз жамоатчилигини хабардор қилган эди. Шундан кейин радио ва телевидение бошқа эшиттиришларда ҳам кўп марта шу тўғрисида хабар берди. Париж телевидениесининг шарҳловчиси Л. И. Брежнев нутқини «ғоят муҳим нутқ» деб таърифлади ва бу нутқнинг Германия Федератив Республикасининг СССР ва Польша билан тузган шартномаларни ратификация қилиш муҳим эканлиги ва СССР Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларини нормаллаштиришга тайёр эканлиги тўғрисида сўз борган қисмларига алоҳида эътибор берди.

### ГФР

БОНН. Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг расмий вакили К. Алерс бугун матбуот конференциясида қуйидагиларни айтди: федерал ҳукумат КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг нутқига эътибор берди. «Бу нутқ,— деди у,— федерал ҳукуматнинг Шарқдаги қўшни мамлакатлар билан тузилган шартномалар кескинлигини юмшатиш ишларини силжитиш учун ва федератив республика билан Совет Иттифоқи ва Варшава шартномасида қатнашувчи бошқа мамлакатлар ўртасидаги муносабатларини яхшилаш учун муҳим халқаро аҳамиятга эгадир, деб назор қилган фикри тўғри эканлигини тасдиқлайди».

К. Алерс яна қуйидагиларни уқтириб ўтди: Л. И. Брежневнинг нутқи федератив ҳукуматнинг Москва ва Варшава шартномаларни «ратификация қилинмаган тақдирда бунинг аҳтимоли тугилган оқибатлари тўғрисида оғоҳлантириб айтган гаплари тўғри эканлигини ҳам тасдиқлайди».

### ЯПОНИЯ

ТОКИО. Япония радиоси ва телевидениеси Л. И. Брежневнинг нутқи тўғрисида мамлакат жамоатчилигини батафсил хабардор қилди. Бу ерда нутқнинг Совет—Япония муносабатлари тўғрисида таг борган қисмига алоҳида эътибор берилди. Радио ва телевидение КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Совет—Япония муносабатларини таъминлаш нормаллаштириш СССР ва Япония халқларининг манфаатларигагина эмас, умуман Узоқ Шарқда ва Тинч океан ҳавзасида тинчлик ҳамда ҳавфсизлик манфаатларига ҳам таъминлаш мос бўлиб тушган бўлур эди, деган гапларга алоҳида эътибор беради.

### ПОЛЬША

ВАРШАВА. Польша радиоси ва телевидениесининг сўнги ахборотларида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Совет насаба союзлари XV сўзидида сўзлаган нутқи ғоят муҳим воқеа деб таърифланди.

Польша матбуот агентлиги бу нутқнинг баёнини таърифлаб, қуйидагиларни таъкидлайди: Л. И. Брежнев КПСС XXIV съезди белгилб берган программа амалга оширилади, деб қатъий ишонч билдириди. Бунинг маъноси шунки, Совет Иттифоқи коммунистнинг моддий-техника базасини кучайта келтиришда, социал муносабатларини таъминлаштиришда, ўзининг иқтисодий потенциал ва халқаро позицияларини мустақамлашда олға қараб яна катта қадам қўйди. Бунинг яна бир маъноси шунки, Совет халқининг турмуш даражасини анча ошириш юзасидан съезд белгилб берган программа муқаррар бажарилади.

## СОВЕТ—МИСР ДЎСТЛИГИ ҲАФТАСИ

ҚОҲИРА. 20. Ғарбий виллоятининг (Куий Миср) марпази Тангата Совет—Миср дўстлиги ҳафтаси тантанали «вазирлар олдиди. Шу муносабат билан «СССР-араб халқларининг дўсти» ҳамда «СССР—маданият ва турмуш» деган мавзуларда кўргазмалар ташкил этилди. Ҳафталик очилганлиги муносабати билан Танга шаҳар аҳолисининг эътибори бўлиб ўтди.

Митинг қатнашчилари учун берилган катта концертда Грузиянинг «Инеция» ансамбли артистлари ҳам қатнашди.

Совет—Миср дўстлиги ҳафталиги кунларида Танга шаҳрининг ва Ғарбий виллоят аҳолиси учун Совет Иттифоқи тўғрисида лекциялар қилинди, совет кинофильмлари кўрсатилди.

## МУЖИБУР РАҲМОН: „Бангладеш халқи Совет Иттифоқидан умрбод миннатдор!“

ДУНЕ хариталарида ҳали бу давлатнинг номи йўқ: Бангладеш Халқ Республикаси яқиндагина вужудга келди.

Бангладеш халқи ўз озодлиги ва мустақиллигини қийин ва оғир кўрашларда қўлга киритди. Унинг бу кўрашида Совет Иттифоқи жуда катта ёрдам берди, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. БХР ни ҳозир 40 дан ортқ давлат таниди. Эндилдада гузал Бенгалия ерлари озод бўлди. Одамлар оёқларида, эркин яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Бир неча ой муқаддам эса...

БИР НЕЧА ой муқаддам Бангладеш халқи бошига оғир мусибат тушди. Хувилаб қолган кўчалар, ҳайдан асар йўқ қишлоқлар, сон-саноксиз вайронликлар, бузилган йўллар ва кўприклар, ҳаддан ташқари озиб кетган аёллар ва эркаклар, ҳолдан тойган болалар, нигоҳи ғамгин қариялар... Яқинидада Бангладешда мана шундай манзараларни кўриш мумкин эди. Одам боласи чидай олмайди бундай даҳшатли вазиятнинг халқни тиз чўктиришга уринган Яҳёхон бошлиқ Покистоннинг ҳарбий режими қасдан вужудга келтирган эди.

Халқни қурол кучи билан, зўрлаб йўли билан ўз эзмига солмоқчи бўлган ҳарбий жаллодлар кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар қилдилар. Шу йилнинг январиди

қозонишимиз керак», — деди Бангладеш Халқ Республикасининг Бош министри Шайх Мужибур Раҳмон ақинда СССР га қилган визити пайтида.

Ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жуда жиддий, қўнган-қўн иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларга дуч келиб турган пайтида Бангладешда, унинг халқига чинакам дўстона қўл чўзиш, унинг мушқулини осон қилишда кўмакдош бўлиш, рост гап, ҳамма-нинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун ҳам Совет Иттифоқи томонидан БХРга кўрсатилган барча ёрдамлар инсонпарварлик, одамийлик, сажимийлик, бегаразлиқ равији сифатида намоён бўлмоқда.

Шу бонсдан ҳам совет кишиларига миннатдорчилик билдириб Шайх Мужибур Раҳмон: «Мамлакатимиз қандай аҳволга тушганлигини, бизлар бошимиздан кечирган барча даҳшатларни сизлар яхши биласизлар. Менинг мамлакатимнинг уч миллионга яқин одами ўлдириди. Қирик процент уйлар ёндириб юборилди, барча алоқа коммуникациялари бузиб ташланди, озиқ-овқатлар йўқ қилинди... Бизлар сизлар билан ҳамкорлик қилиб, 75 миллион оқ-ялгонч кишиларни сақлаб қоламиз», — деганда мутолға ҳақиди.

БХР нинг адолатли ишнини изчиллик билан қўллаб-қувватлаганини учун, кўпмиллион-



БАНГЛАДЕШ Халқ Республикасининг Бош министри шайх Мужибур Раҳмон ақинда СССРга қилган визити вақтида республикамизга ҳам ташир буюрган эди. Суратда: хурматли меҳмон «Қизил Ўзбекистон» колхозидида самийини кутиб олди.

А. ЯВАРОВ ва И. ДУШКИН фотоси.

(ЎзТАГ).

ланган темир йўллар, маданий-маиший объектлар, оқ-ялгонч кишилар бу мамлакат бошига чиндан ҳам даҳшатли қулфат тушганлигини кўрсатиб турибди.

Шу кунларда Бангладеш ҳукумати уруш жароҳатларини бартараф этиш, халқ аҳолининг енгиллаштиришнинг ишчилар чораларини кўрмоқда. Ҳар бир бангладешлик бу ишларда бизга Совет Иттифоқи мумкин бўлган барча ёрдамларини аямайди, деб ишонч билдиримоқда.

БХР маориф ва маданият министри Юсуф Али биз билан суҳбат пайтида саводсиз кишиларни тугатиш ва маориф ишларини ташкил этишда Совет Иттифоқининг тақрибисига қизикётганлигини айтди. Министр агар Совет Иттифоқидан бизларга бошланғич, ўрта ва олий таълим бўйича мутахассис — консультантлар, Дакка университетига, рус тили ўқитувчилари келиб ёрдам берганда жуда яхши бўларди, деган истакни ҳам билдириди.

Шунингдек, студентлар, ўқитувчилар, профессорлар, ёшлар таъкилотларининг раҳбарлари — билан бўлган учрашувлар ҳам мароқли бўлди. Улар ҳам ўз суҳбатида Совет Иттифоқи кўрсатган ёрдамни жуда юқори баҳолаётганлигини айтдилар. Мана, улардан айримларининг фикрлари.

Миллий халқ партиясининг секретари Саид Алтан Хусайн: — СССР бўлмаганда Бангладеш халқининг миллий озодлиқ кураши галаба қилмаган бўлур эди.

Бангладеш тили профессори Реаду Иломо: — озодлик ҳаракати пайтида Совет Иттифоқи кўрсатган ёрдамгина галабага эришимизнинг гарови бўлди.

Профессор Моҳал Али! — СССР Октябрь революциясидан сўнг ҳамиша миллий озодлик курашларини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу Ленин го-яларига содиқлик демократ, Тарих Ленин фикрларининг тўғрилигини исботламоқда.

Студентлар ташкилотининг раҳбари Ахтар Али Аҳмад: — Бангладеш студентлари СССР ни ҳеч нарча унутмайди.

«Бангладеш СССР» дўстлик жамоатчилиги меҳмони бўлганда бу жамоат томонидан СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрамига қизгин таъбирлар қилиб таъкидланганини эшитиб, го-яда мамнун бўлди.

Шундай қилиб Бангладеш Халқ Республикасининг Бош министри Шайх Мужибур Раҳмоннинг СССР га қилган визити пайтида қайд қилингандек, СССР билан БХР ўртасидаги муносабатлар тенглик, суверенитет ва мустақиллигини ўзаро ҳурматлаш, бир-бирининг ички ишларига асло аралашмаслик принциплари асосида ривожланмоқда. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик миллий маффаатларимизга мос бўлиб тушмоқда.

ХУЛОСА қилиб айтганда юқоридаги фактлардан кўриниб турибдики, еш Бангладеш давлатини қўллаб-қувватлашда Совет Иттифоқи асосий роль ўйнади. Чунки Ленинча интернационализм принциплари содиқ бўлган Коммунистик партиямиз ва Совет ҳукумати миллий мустақилликка эришган янги давлатларга ёрдам беришни ўзларининг асосий бурчлари деб билдилар. Партия XXIV съезидида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлагандек, бизлар ҳар қачондир халқларнинг демократия, миллий-озодлик, социализм учун курашини оғишмай қўллаб-қувватлашга рамиз ва озодликка чиндан мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлигини тобора ривожлантираверамиз.

Р. УМАРОВ.

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ— БАНГЛАДЕШ ДЎСТИ

Бангладешда бўлган Совет Қизил Крести ва Қизил Ярим ой жамоияти Ташқи алоқалар бошқармаси бошлигининг ўринбосари И. М. Шаталов ана шу ваҳшийликларнинг оқибатларини ўз кўзи билан кўрди.

И. М. Шаталов Совет Иттифоқида қайтган, бундай деб эди: «Завод ва фабрикалар ишламайди, кўприклар портлатилган, транспорт юрмайди, ҳазина бўм-бўш — олтин фонд ўчирлаб кетилган. 25 миллиондан ортиқ киши — мамлакатнинг ушдан бир аҳолиси бошпанасиз қолган. Қийналганларнинг атиги бир қисминини уй-жой билан таъминламоқ учун бу мамлакатга ўн-ларча миллион тонна цемент, кўп минг тонна туңука керак... Эзиш мавсуми яқинлашмоқда. Агар ташқаридан 1 миллион 800 минг тонна дон олинамаса, ҳосилдор шולי даладарини ёввойи ўт-ўланлар босиб кетади.

Бакергайнда 25 минг, Динашпурда бундан икки марта кўп, порт шаҳар Калнада тўрт марта ошмиқа одам ўлдирилган. Жиноят ишларининг шохиди бўлиш учун узоқча бориш шарт эмас. Пойтахтдан 10 мингта йўл босасиз. Кўз ўнгиниқда намоён бўлган тош уюмлар ва одам суякларини бундай ақинидада Шнабарий қишлоғи бўлганлигидан далолат беради. Дакканинг ўзгинасида — ҳиндулар яшаган Шакарбозор, Чокбозор, Инглишроуд районлари ҳам ҳозир фақат ҳаробазорлардан иборат. Лоқал бирорта уй омон қолмаган...».

«Бизнинг сиёсий мустақиллигимиз қимматга тушди. Лекин биз уни сақлаб қолиш учун қашшоқлик, касалликлар ва очарчилик устидан галаба

ли Бангладеш халқининг миллий-озодлик курашини Вирлашган Миллатлар Ташкилоти Ҳавфсизлик кенгашида қатъий турб ҳимоя қилганлиги учун БХР халқи, унинг ёш ҳукумати раҳбарлари Совет Иттифоқида чексиз ташаккур билдиришмоқдалар. «Бангладеш халқи ўзининг озодлик учун олиб борган курашида Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилган ёрдамни ҳеч нарча ёлдан чиқармайди. Уни ҳаммаша чуқур миннатдорчилик билан эслайди», — деди БХР Президенти доктор Абу Сайед Чоудри.

ЎТГАН йилнинг ёз ойларидида Совет Қизил Крести йўли билан Шарқий Покистоннинг қочоқларга биринчи бор катта ёрдам юборилди. Хиндистонга қочиб ўтишга мажбур бўлган ўн миллионга яқин қочоқлар 140 минг сўмлик тиббий дорилар билан, озиқ-овқатлар, палаткалар, газмоллар олдидар. Калкутта шаҳрида юк тушириш маросимида Ғарбий Бенгалия Қизил Крестининг фахрий президенти Диаз хоини, қочоқларга кўрсатилган бу олийҳиммат учун Совет Иттифоқи, унинг саҳийқалб халқига чексиз раҳматлар айтди.

1972 йил январь ойида мушкул аҳволга тушиб қолган Бангладеш аҳолисига на қочоқларга яна 50 минг сўмлик миқдоридида шовилинч ёрдам кўрсатилди. Бу ёрдам СССР Қизил Крести ва Қизил Ярим ой жамоиятлари иккиоя-комитетининг вакили раҳбарлигида юборилди.

Совет Қизил Крести томонидан кўрсатилган ёрдам БХР ҳукумати ва Қизил Крести томонидан юқори баҳоланди. Бу инъомдан шу кунгич маҳаллий

матбуот аҳолини хабардор қилди. Махсус самолёт — «ИЛ—18» нинг Бангладеш пойтахти Даккага келиши, ҳадиалари топириш пайти радио ва телевидение орқали намоён қилинди.

«Бизлар жуда ҳам қийин аҳволда қолган эдик, — деб сўзлайди БХР соғлиқ сақлаш министри Зоҳир Аҳмад Чоудри, — деб аздаи ўз эсда-лисида И. М. Шаталов, — шифокорларимизнинг яримдан кўпи ҳалок бўлган ёки мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўлишган эди. Маълумки, Покистон ҳарбийлари эиёлиларини бутунлай қириб ташлашнинг ўз олдидида мақсад қилиб қўйган эдилар. Жангларнинг дастлабки кунлариёқ инглиз врачлари жўнаб кетдилар. Мажбур 15 меицина колле-жидан атиги 5 таси сақланган бўлиб, шифокорларнинг жуда камлиги шундоқ сезилиб турар эди. Устига устак медицина ас-боб-ускуналари ва дори-дармонлар ҳам етишмасди. Мана шундай вазиятда сизлар келтирган дори-дармонлар бизларга ҳаводан ҳам зарурроқдир».

Шу кунларда Бангладешда бўлган киши бир нарасга қойил қолади. Ким билан гаплашсангиз, у «Совет Иттифоқи» сўзларини эшитиши билан сизга ўзгача назар, илқ та-бассум билан боқад ва: «Совет Иттифоқи — бизнинг дўстимиз, ҳақиқий дўстимиз, қийин кунларда жонимизга аро кирган дўстимиз», — дейди. Мабодо госпиталларга бориб қолсангиз, «Руслар юборган дори-дармонлар», «Яқинда бизлар русларнинг жароҳлиқ ас-боб-ускуналари билан ишлаб-бошлаймиз», «Хирургимиз



СОВЕТ «АН-12» самолёти Дакка аэропортига қўнди. У бу ерга Совет Қизил Крести ва Қизил Ярим Ой жамоиятининг Бангладеш халқига ёрдамни олиб келди. Суратда: Совет юк-ларини қабул қилиб олш пайти.

(ТАСС фотохропикси).

## ЯНА ҲАВОДАН ҲУЖУМ ҚИЛИНДИ

ЛОНДОН. 20. Америка ҳарбий-ҳаво кучларининг қирувчи-бомбардимончи самолётлари кеча Вьетнам Демократик Республикасига уч марта ҳужум қилди. Американинг осмон қароқчилари республиканинг демидитрлаштирилган зонадан шимолроқдаги турли районларни бомбардимон қилиб, ракета-отдилар.

Рейтер агентлигининг Сайгондан берган хабарига қараганда, шу йил бошидан бери Қўшма Штатларнинг ҳарбий самолётлари ВДР территориясига 100 марта ҳужум қилган. Агентлигининг мухбири Америка ҳарбий қўмондонлиги вакиллари айтган гапга асосланиб шу хабарни берди.

## КОМПАНИЯЛАРНИ НАЦИОНАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ФАРМОН

РАВАЛПИНДИ. 20 Покистон президенти З. А. Бхутто 43 та страхование компаниясини национализация қилиш тўғ-

рисидаги фармонни имзолади. Улардан тўрттаси — чет эл компанияларидир.

